

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ**  
**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ**  
**КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ**  
**А Ж Р И М И**  
**№ 1-1416-2401/497**

2025 йил февраль ойининг 11 куни Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ўз биносида, раислик қилувчи вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси Т.Алмаматов, ҳайъат судьялари Ф.Саматов ва И.Карабаевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси С.Азизкулованинг котибалигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Б.Султонов, судланган О.Ннинг ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Саттаровнинг иштирокида жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 2024 йил 18 декабрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан судланган

**Н О Г (N O G )**, 1979 йил 20 февраль куни Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилалик, мукаддам судланмаган, ЎЗБАТ заводида хавфсизлик хизмати соқчиси бўлиб ишлайди, [REDACTED] яшайди, “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланган О.Ннинг кассация шикоятига асосан жиноят ишини кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

О.Нга Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан ЖК 45-моддаси қўлланиб, 2 йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

О.Ндан жабрланувчи Р.Анинг фойдасига 2.420.000 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Шунингдек, жабрланувчи Р.Ага жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарлар хусусида фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, О.Н 2024 йил 19 октябрь куни соат тахминан 11:00ларда бошқарувида бўлган, “Дамас” русумли 30Т563LV давлат белгили техник жиҳатдан осоз холдаги автомашинасини Ургут тумани “Мазортепа” маҳалласининг Навоййшоҳ кўчасида бошқариб бориб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаоларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сонли қарори билан тасдиқланган йўл ҳаракат Қоидаларининг 26-боби “Одам ташиш”нинг 157-бандидаги



“Ҳаракатни бошлашдан олдин ҳайдовчи йўловчиларга хавфсизлик чоралари, автомобилга чиқиш, ундан тушиш ва унга жойлашиш тартиби ҳақида тушунча бериши керак. Ҳайдовчи ҳаракатни бошлашдан олдин йўловчиларни хавфсиз ташиш шароити таъминланганлигига ишонч ҳосил қилиши керак”лиги, 158-бандидаги “Ҳайдовчи транспорт воситаси тўлиқ тўхтагандан кейин йўловчиларнинг чиқиши ва тушишида уларнинг хавфсизлигини таъминлаши керак. Эшиклар ёпилгандан сўнг ҳаракатланишни бошлаши ва тўлиқ тўхтамагунча уларни очмаслиги шарт”лиги ҳақидаги талабларига амал қилмасдан, йўл ҳаракати қодаларини қўпол равишда бузиб, бошқарувида бўлган, бошқарувида бўлган “Дамас” русумли автомашинасида йўловчи сифатида борган фуқаро А Р Х ни машинадан тушириб, унинг кийими машина эшигига қисилиб қолганлигини эътибор бермасдан, ушбу йўловчининг тушишида унинг хавфсизлигини таъминламасдан, машинани ҳайдаб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир қилиши натижасида йўловчи Р.Ани ўртача оғирликдаги шикаст тан жароҳати олишлигига сабабчи бўлган.

РСТЭИАМ Самарқанд филилали Ургут тумани суд-тиббий экспертизаси бўлинмаси томонидан берилган №592-сонли хулосасида фуқаро А Р ни танасида яъни ўнг қўл тирсак ва биллак суягининг тирсак бўғимидан орқага чиқиши каби тан жароҳатлари мавжудлиги, улар ўтмас қаттиқ жисм таъсирида етказилганлиги, яъни ҳаракатда бўлган автомашинанинг бўртиб турган қисмларини урилиши натижасида келиб чиққанлиги, бу тан жароҳатлар соғлиқнинг йигирма бир кундан кўп ва бир юз йигирма кундан кам бўлган муддатга бузулишига сабаб бўлиши, шунинг учун ЎРТАЧА ОҒИРЛИКДАГИ шикаст гуруҳига киришлиги, тан жароҳатларининг етказилган вақти 2024 йил 19 октябрь кунига тўғри келишлиги кўрсатилган.

Судланган О.Н шикоятда, илгари судланмаганлиги, айбига чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий шароити оғир шароитга тушиб қолганлигини, унинг қарамоғида фарзандлари, 2 гуруҳ ногирони укаси ва ота онаси борлиги инobatга олиб, уни транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосидан озод қилишни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси И.Карабаевнинг маърузасини, судланган О.Н ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Саттаровнинг шикоятини қаноатлантириш, прокурор Б.Султоновнинг шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, кассация шикоятда келтирилган вазларни жиноят иш ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топди.

Судланган О.Ннинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг биринчи инстанция судида айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи ва гувоҳларни кўрсатувлари, жиноят ишидаги жиноят ишида мавжуд бўлган воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган чизма ҳамда фотожадвал, билдирги, судга оид автотехник экспертизанинг 2139-сонли хулосаси, судга оид тиббий экспертизанинг 592-сонли хулосаси, жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарорлар ҳамда жиноят



ишида тўпланган бошқа бир қатор объектив далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Жиноят иши дастлабки тергов органи ва биринчи инстанция суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг талабларига риоя қилинган ҳолда ҳамда Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли Қарорининг тушунтиришларига, шу жумладан далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда, оғишмай риоя этиши ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда юритилиб, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни, шу жумладан судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда ишда мавжуд бошқа далиллар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиб, уларга тегишли ҳуқуқий баҳо берилган.

Биринчи инстанция суди томонидан О.Ннинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Шикоятдаги, судланган О.Нга оғир жазо тайинланганлиги, оилавий шароити оғир шароитга тушиб қолганлигини, унинг қарамоғида фарзандлари, 2 гуруҳ ногирони укаси ва ота онаси борлиги инobatга олиб, уни транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосидан озод қилиш ҳақидаги важлар билан ҳам келишиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддаси 2-қисмида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

-45-моддаси 2-қисмида, муайян ҳуқуқдлин маҳрум қилиш айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тариқасида тайинланганда — бир йилдан беш йилгача муддатга, қўшимча жазо тариқасида тайинланганда — бир йилдан уч йилгача муддатга белгиланиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 40-бандида, қўшимча жазо чораларининг янги жиноятлар содир этилиши олдини олиш катта аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, судларга ҳукм чиқариш пайтида асосий жазо билан бирга тегишли қўшимча жазо қўллаш масаласини ҳам муҳокама қилиши;

-44-бандида, қонунда назарда тутилганидан ҳам енгилроқ асосий жазо белгиланиши ёки Жиноят кодекси Махсус қисми моддасида кўрсатилмаган бошқа енгилроқ асосий жазо турига ўтилиши айбдорга нисбатан қўшимча жазо тайинлаш имкониятини истисно этмаслиги;

-45-бандида, ЖКнинг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги, бундай жазони тайинлаш



пайтида ҳукмнинг қарор қисмида судланувчи шуғулланиши мумкин бўлмаган мансаб характери ёки фаолият тури аниқ кўрсатилиши кераклиги;

-ҳукм чиқарилаётган пайтда маҳкум жиноят содир этилиши билан боғлиқ бўлган мансабни эгалламаслиги ёки фаолият тури билан шуғулланмаслиги ҳолати қўшимча жазо қўллаш учун тўсиқ бўлмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди О.Нга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли Қарорининг 25-банди ҳамда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-банди тушунтиришларига амал қилган ҳолда судланувчи унинг шахсини, жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, оилавий шароитини эътироф этган ҳолда жабрланувчининг даъвоси борлигини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланмаганлигини инobatга олиб, ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаб, қонуний, асосли ва адолатли тўхтамга келган.

Шунга кўра, судлов ҳайъати шикоятдаги важлар суднинг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли, суднинг ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 483, 509<sup>9</sup> ва 509<sup>10</sup>-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси суди

#### **а ж р и м қ и л а д и:**

Жиноят ишлари бўйича Ургут судининг 2024 йил 18 декабрдаги **НОГ (N O G )**га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, касация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

<b>Раислик қилувчи</b>	<b>(имзо)</b>	<b>Т.Алмаматов</b>
<b>Ҳайъат судьялари</b>	<b>(имзо)</b>	<b>Ф.Саматов</b>
	<b>(имзо)</b>	<b>И.Карабаев</b>
<b>Аслига тўғри</b>		

